$$\begin{aligned} \Delta U &= \sqrt{3} I_x l (r_{y\partial} * \cos \varphi + X_{y\partial} \sin \varphi) = \\ &= 1,73 * 165 * 0,0134 (0,326 * 0,7 + 0,078 * 0,7) = 11,1(\text{в}) \end{aligned}$$

Вафел цехи

$$2. S_x = 15,4\text{кВа} + 78,9\text{кВа} = 94,3\text{кВа}$$

$$I_x = \frac{S_x}{\sqrt{3} U_n} = \frac{94,3}{0,692} = 136,2\text{A}$$

$$S_y = \frac{I_x}{j_{\text{ЭК}}} = \frac{136,2}{1,6} = 85,2\text{мм}^2$$

Стандарт ААБ (3x95) маркали кабель танлаймиз.

$$I_{\partial} = 260A$$

$$r_{y\partial} = 0,326 \frac{\text{OM}}{\text{KM}} \quad X_3 = 150$$

$$X_{y\partial} = 0,078 \frac{\text{OM}}{\text{KM}} \quad Y_3 = 460$$

$$260A \geq \frac{I_x}{K} = \frac{136,2}{0,94} = 144A$$

$$l_1 = \frac{1}{0,005} \sqrt{(504 - 150)^2 + (429 - 460)^2} * 10^{-2} = 364,4 \text{ м}$$

$$\begin{aligned} \Delta U &= \sqrt{3} I_x l (r_{y\partial} * \cos \varphi + X_{y\partial} \sin \varphi) = \\ &= 1,73 * 136,2 * 0,036 (0,326 * 0,75 + 0,07 * 0,75) = 2,4(\text{в}) \end{aligned}$$

5. Таъмирлаш цеҳи

$$S_x = 6,9 \text{ ква} + 5,1 \text{ ква} = 12 \text{ ква}$$

$$I_x = \frac{S_x}{\sqrt{3} U_n} = \frac{12}{0,692} = 17,3A$$

$$S_{\partial} = \frac{I_x}{j_{\text{эк}}} = \frac{17,3}{1,6} = 10,8 \text{ мм}^2$$

Стандарт ААБ (3x10) маркали кабель танлаймиз.

$$I_{\partial} = 75A$$

$$75A \geq \frac{I_x}{K} = \frac{17,3}{0,94} = 18,4$$

$$r_{y\partial} = 3,10 \frac{\text{OM}}{\text{KM}} \quad X_3 = 150$$

$$X_{y\partial} = 0,011 \frac{\text{OM}}{\text{KM}} \quad Y_3 = 100$$

$$l_1 = \frac{1}{0,005} \sqrt{(504 - 150)^2 + (429 - 100)^2} * 10^{-2} = 48,3 \text{ м}$$

$$\begin{aligned} \Delta U &= \sqrt{3} I_x l (r_{y\partial} * \cos \varphi + X_{y\partial} \sin \varphi) = \\ &= 1,73 * 17,3 * 0,048 (3,10 * 0,7 + 0,11 * 0,7) = 3,2(\text{в}) \end{aligned}$$

5. Лаборатория учун

$$S_x = 35,57 \text{ ква}$$

$$I_x = \frac{S_x}{\sqrt{3} U_n} = \frac{35,57}{0,692} = 51,4A$$

$$S_{\text{э}} = \frac{I_X}{j_{\text{эк}}} = \frac{51,4}{1,6} = 32 \text{ мм}^2$$

Стандарт ААБ (3х35) маркали кабель танлаймиз.

$$I_{\text{а}} = 145 \text{ А}$$

$$145 \text{ А} \geq \frac{I_X}{K} = \frac{51,4}{0,94} = 55 \text{ А}$$

$$r_{\text{y}\delta} = 0,89 \text{ Ом/км} \quad X_3 = 600$$

$$X_{\text{y}\delta} = 0,063 \text{ Ом/км} \quad Y_3 = 180$$

$$l_1 = \frac{1}{0,005} \sqrt{(504 - 600)^2 + (429 - 180)^2} * 10^{-2} = 26,9 \text{ м}$$

$$\begin{aligned} \Delta U &= \sqrt{3} I_X l (r_{\text{y}\delta} * \cos \varphi + X_{\text{y}\delta} \sin \varphi) = \\ &= 1,73 * 51,4 * 0,0269 (0,89 * 0,7 + 0,063 * 0,7) = 1,6 (\text{в}) \end{aligned}$$

6. Омборхона учун

$$S_X = 5,1 \text{ кВА}$$

$$I_X = \frac{S_X}{\sqrt{3} U_n} = \frac{5,1}{0,692} = 7,36 \text{ А}$$

$$S_{\text{э}} = \frac{I_X}{j_{\text{эк}}} = \frac{7,36}{1,6} = 4,6 \text{ м}^2$$

Стандарт ААБ (3х4) маркали кабель танлаймиз.

$$I_{\text{а}} = 42 \text{ А}$$

$$42 \text{ А} \geq \frac{I_X}{K} = \frac{7,36}{0,94} = 7,8 \text{ А}$$

$$r_{\text{y}\delta} = 7,74 \text{ Ом/км} \quad X_7 = 280$$

$$X_{\text{y}\delta} = 0,095 \text{ Ом/км} \quad Y_7 = 100$$

$$l_1 = 62 \text{ м}$$

$$\begin{aligned} \Delta U &= \sqrt{3} I_X l (r_{\text{y}\delta} * \cos \varphi + X_{\text{y}\delta} \sin \varphi) = \\ &= 1,73 * 7,36 * 0,062 (7,74 * 0,75 + 0,095 * 0,7) = 4,5 (\text{в}) \end{aligned}$$

7. Омборхона учун

$$S_X = 78,9 \text{кВа}$$

$$I_x = \frac{S_X}{\sqrt{3}U_n} = \frac{78,9}{0,692} = 114 \text{А}$$

$$S_{\text{э}} = \frac{I_x}{j_{\text{эк}}} = \frac{114}{1,6} = 71,2 \text{мм}^2$$

Стандарт ААБ (3x70) маркали кабель танлаймиз.

$$r_{y\partial} = 0,443 \frac{\text{ОМ}}{\text{км}}$$

$$X_{y\partial} = 0,08 \frac{\text{ОМ}}{\text{км}}$$

$$l_1 = 52 \text{и}$$

$$\begin{aligned} \Delta U &= \sqrt{3} I_x l (r_{y\partial} \cdot \cos \varphi + X_{y\partial} \sin \varphi) = \\ &= 1,73 \cdot 114 \cdot 0,052 (0,443 \cdot 0,7 + 0,08 \cdot 0,7) = 3,7 (\text{В}) \end{aligned}$$

IV-Боб:

ҚИСҚА ТУТАШУВ ТОКЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ

1 кВ дан юқори кучланишли қурилмалардаги қисқа туташув тоқлари

Электр таъминоти системалари нормал иш режимлариининг издан чиқишининг асосий сабаби электр тармоқларидаги қисқа туташувлардир. Бу электр кабель, симлар изоляцияларининг емирилиши, шахсий таркибнинг ишлаб чиқишда нотўғри ишларни бажариши ҳисобига юз бериди.

Қисқа туташув тоқларини оқиб ўтиши натижасида электр ускуналарнинг ишдан чиқиши билан боғлиқ зарарларни камайтиришда ва электр таъминоти системасини нормал ишлашини тезкор тиклашда қисқа туташув тоқларини қийматларини тўғри ҳисоблаш муҳим аҳамиятга эга. Унинг қийматига қараб электр ускуналари, химоя аппаратлари, ток оқимини чекловчи воситалар танланади.

1 кВ кучланишдан юқори қурилмаларда қисқа туташув тоқини ҳисоблаш учун электр таъминоти системасининг ҳисобий схемаси ва унга асосан жойлашув схемаси тузилади. Ҳисобий схема соддалаштирилиб бир чизикли кўринишда қисқа туташувга таъсир кўрсатувчи барча элементлари ва уларнинг параметрлари кўрсатилади. Схепада

қисқа туташув тоқларини аниқлаш зарур бўлган нуқталар кўрсатилади. Жойлашиш схемаси эса электр схема кўринишда бўлиб, ҳисобий схемага мос равишда барча магнит алоқалари электр алоқалари билан алмаштирилади ва барча элнектр таъминоти системаси элементлари қаршиликлар кўринишлар тасвирланади.

Қисқа туташув тоқлари нисбий ёки бир хил номланган бирликларда ҳисоблаш мумкин.[13]

Нисбий бирликларда ҳисоблашда барча натижалар базис катталиқ билан солиштирилади. Базис бирлик сифатида пасайтирувчи нимстанциялардан бирининг битта трансформаторининг қуввати ва базис кучланиш қабул қилинади.

Базис кучланиш сифатида эса қисқа туташув тоқлари ҳисобланаётган поғонанинг ўртача кучланиши қабул қилинади. Электр таъминоти схемаси элементлари шартли базис кўринишида жадваллар (3) ёрдамида ўтказилади.

Корхонанинг юқори кучланишли базис кучланиши сифатида қисқа туташув нуқталаридаги кучланишни қабул қиламиз.

$$S_{\sigma} = S_{\text{н.о.м}} = 10 \text{ МВА}$$

$$U_{\sigma} = U_{\text{урт}} = 10 \text{ кВ}$$

Базис тоқини аниқлаймиз.

$$I_{\sigma} = \frac{S_{\sigma}}{\sqrt{3}U_{\sigma}} = \frac{10}{1,73 * 10} = 0,58 \text{ КА}$$

Жойлашиш схемаси элементларини қаршилигини базис бирлигида аниқлаймиз.

Трансформатор Т₁

$$r_1 = \frac{\Delta P_K}{S_{\text{н.о.м.т}}} * \frac{S_{\sigma}}{S_{\text{н.о.м}}} = \frac{58}{10} * \frac{10}{10} * 10^{-3} = 0,0058$$


$$\Delta P_{\hat{E}} = 58 \hat{e} \hat{a} \hat{d}$$

$$X_1 = \sqrt{\left(\frac{U_K}{100}\right)^2 - r_1^2} \frac{S_{\sigma}}{S_{\text{н.о.м}}} = \sqrt{\left(\frac{10,5}{100}\right)^2 - (0,0058)^2} \frac{10}{10} = 0,1048$$

Кабелли линия

$$X_{2*} = X_{\text{yo}} l \frac{S_{\sigma}}{U_{\sigma}^2} = 0,113 * 3,8 * \frac{10}{10^2} = 0,0429$$

Электр таъминоти системасининг параметрлари билан келтирамиз ва унинг жойлашиш схемасини тузамиз.



Схемага асосан ТР-1 энергосистема трансформаторининг номинал қувватини базис бирлик сифатида қабул қиламиз.

$$r_{2*} = r_{y\delta} l \frac{S_{\delta}}{U_{\delta}^2} = 1,94 * 3,8 \frac{10}{10^2} = 0,7372$$

қисқа туташув нуқтаси K_2 гача бўлган қаршиликлар йиғиндиси.

$$X_{\Sigma_2} = X_1 + X_2 = 0,1048 + 0,0429 = 0,1477$$

$$r_{\Sigma_2} = r_1 + r_2 = 0,0058 + 0,7372 = 0,743$$

Агар $r_{\Sigma} \leq \frac{X_{\Sigma}}{3}$ шарт бажарилган ҳолларда электр таъминоти системасининг актив қаршиликлари ҳисобга олинмайди.

$$0,743 > \frac{0,1477}{3} = 0,0492$$

Шарт бажарилади. Актив қаршиликлар ҳисобга олинмайди.

K_1 нуктаси қисқа туташувгача бўлган қаршиликлар

$$X_{\Sigma_1} = 0,1048$$

$$r_{\Sigma_1} = 0,0058$$

$$0,0058 > \frac{0,1048}{3} = 0,0349$$

K_1 нуктада актив қаршилиқ ҳисобга олинмайди.

Қаралаётган нуктагача қисқа туташув тоқларини ҳисоблаш.

$$I_{KK_1} = \frac{I_{\bar{o}}}{z_{\Sigma_1}} = \frac{I_{\bar{o}}}{\sqrt{X_{\Sigma_1}^2 + r_{\Sigma_1}^2}} = \frac{I_{\bar{o}}}{X_{\Sigma_1}} = \frac{0,58}{0,1048} = 5,53 \text{ KA}$$

$$I_{KK_2} = \frac{I_{\bar{o}}}{\sqrt{X_{\Sigma_2}^2 + r_{\Sigma_2}^2}} = \frac{0,58}{\sqrt{0,1477^2 + 0,743^2}} = 0,76 \text{ KA}$$

K_1 ва K_2 нукталардаги қисқа туташувларнинг зарба тоқларини қийматини аниқлаймиз.

$\frac{X_{\Sigma}}{r_{\Sigma}}$ нисбатига боғлиқ зарба коэффициентини

$K_{уд}$ - 6.2 расмдаги графикдан аниқланади

$$K_1 \text{ нукта учун } T_a = \frac{X_{\Sigma}}{r_{\Sigma}}$$

T_a - қисқа туташув тоқининг опериодик ташкил этувчиларининг вақт доимийси

$$T_{a_1} = \frac{X_{\Sigma}}{r_{\Sigma}} = \frac{0,1048}{0,0058} = 18$$

$$K_{y\partial} = f\left(\frac{X_{\Sigma}}{r_{\Sigma}}\right) = 1,82 \quad (\text{ударный - зарба})$$

K_2 нукта учун

$$T_{a_2} = \frac{0,1477}{0,743} = 0,2$$

$$K_{y\partial} = 1$$

Кўрилаётган нуқталардаги зарба токи

$$I_{y\partial} = K_{y\partial} \sqrt{2} * I_{kk}$$

$$I_{y\partial 1} = K_{y\partial 1} \sqrt{2} * I_{kk1} = 1,82 * \sqrt{2} * 5,53 = 14,23 \text{ KA}$$

$$I_{y\partial 2} = K_{y\partial 2} \sqrt{2} * I_{kk2} = 1\sqrt{2} * 0,76 = 1,07 \text{ KA}$$

Кучланиш 1 кВ гача бўлган тармоқлардаги қисқа туташув тоқларини ҳисоблаймиз.

Корхонанинг кучланиши 1 кв гача бўлган тармоқлари кўп тармоқланганлиги ва ҳимоя қурилмаларининг кўплиги билан характерланди.

1 кв гача бўлган тармоқларда кичик қаршиликлар ҳам қисқа туташув токига маълум даражада таъсир этади. Шунинг учун ҳисоблашларда қисқа туташган занжирнинг барча актив ва реактив қаршиликлари ҳисобга олинади. Бундан ташқари ўткинчи контактлардаги қаршиликлар ҳам ҳисобга олинади.

Агар таъминловчи система трансформатори қуввати S_c ва корхона трансформатори қуввати S_T орасида қуйидагича шарт бажарилса,

$$50 S_T < S_c$$

Таъминловчи система қуввати

Трансформаторнинг қаршиликлари қуйидагича аниқланади.

$$r_{mp} = \frac{P_n U_{\bar{o}}^2}{S_{\text{юмтр}}^2} [\text{МОМ}]$$

$$X_{mp} = \sqrt{U_K^2 - \left(\frac{P_K}{S_{\text{юмтр}}}\right)^2} \frac{U_{\bar{o}}^2}{S_{\text{юм}}^2} [\text{МОМ}]$$

Кучланиш 1 кВ гача бўлган тармоқлардаги қисқа туташувларни ҳисоблаш бир хил номланган бирликларда бажарилади.

Кабель линиялар қаршиликлари:

$$r_n = r_{\text{кол}} * l$$

$$X_n = X_{\text{кол}} * l [\text{мом}]$$

Бошқа элементларнинг қаршиликлари (3) 8.15 жадвалдан топилади. Қисқа туташув токини аниқлаш.

$$I_k = \frac{U_{\delta}}{\sqrt{3}Z_{pk}} = \frac{U_{\delta}}{\sqrt{3}\sqrt{X_{pez}^2 + r_{pez}^2}}$$

Қисқа туташув зарба токи

$$i_{y\delta} = \sqrt{2}X_{y\delta} * I_k$$

$K_{y\delta}$ - зарба коэффиценти

$T_a = \frac{X_{pez}}{r_{pez}}$ қисқа туташув токини опериодик ташкил этувчиларининг доимийсига

асосан 6.2 графикдан (3) топилади.

$$K_{y\delta} = f\left(\frac{X_{\Sigma}}{r_{\Sigma}}\right)$$

Трансформаторнинг T_1 ва T_2 қаршиликлари

$$r_{m_1} = r_{m_2} = \frac{5,5 * 400^2}{400^2} = 5,5 \text{ мом}$$

$$X_{m_1} = X_{m_2} = \sqrt{\left(\frac{4,5}{100}\right)^2 - \left(\frac{5,5}{400}\right)^2} * \frac{400^2}{400} = 17,74 \text{ мом}$$

Киритиш автоматик узгичининг электромагнитли чўлғами ва контактлар орасидаги қаршиликлари, А3740Б 630А

$$r_{a_1} = 0,12 \text{ мом}$$

$$X_{a_1} = 0,084 \text{ мом}$$

$$r_{K_1} = 0,25 \text{ мом}$$

Линия автоматик узгичининг қаршиликлари А3710Б 160А

$$r_{a_2} = 0,36 \text{ мом}$$

$$X_{a_2} = 0,28 \text{ мом}$$

$$r_{K_2} = 0,6 \text{ мом}$$

Кабелли линияларнинг қаршиликлари

$$r_{n_1} = r_{y\partial} * l = 0,326 * 57 = 18,58 \text{ мом}$$

$$X_{n_1} = X_{y\partial} * l = 0,0602 * 57 = 3,43 \text{ мом}$$

$$r_{n_2} = 0,443 * 73 = 32,34 \text{ мом}$$

$$X_{n_2} = 0,0612 * 73 = 4,47 \text{ мом}$$

$$r_{n_3} = 0,62 * 39 = 24,18 \text{ мом}$$

$$X_{n_3} = 0,0625 * 39 = 2,44 \text{ мом}$$

$$r_{n_4} = 0,443 * 27 = 11,96 \text{ мом}$$

$$X_{n_4} = 0,0612 * 27 = 1,65 \text{ мом}$$

$$r_{n_5} = 0,443 * 25 = 11,07 \text{ мом}$$

$$X_{n_5} = 0,06112 * 25 = 1,53 \text{ мом}$$

$$r_{n_6} = 0,326 * 21 = 6,64 \text{ мом}$$

$$X_{n_6} = 0,0602 * 21 = 1,26 \text{ мом}$$

K_1 қисқа туташув нуқтасигача бўлган қаршиликлар йиғиндиси:

$$r_{pez_1} = r_{m_1} + r_{a_1} + r_{a_2} + r_{K_3} = 5,5 + 0,12 + 0,25 + 0,36 + 0,6 = 6,83 \text{ мом}$$

$$X_{pez_1} = X_{m_1} + X_{a_1} + X_{a_2} = 17,14 + 0,08 + 0,28 = 17,5 \text{ мом}$$

K_2 нуқтасигача бўлган қаршиликлар йиғиндиси:

$$X_{pez_2} = X_{m_1} + X_{a_1} + X_{a_2} + X_{n_2} = 17,14 + 0,08 + 0,28 + 4,47 = 21,97 \text{ мом}$$

$$r_{pez_2} = r_{m_1} + r_{a_1} + r_{K_7} + r_{a_2} + r_{K_2} + r_{n_2} = 5,5 + 0,12 + 0,25 + 0,36 + 0,6 + 33,34 = 29,17 \text{ мом}$$

K_3 нуқтасигача бўлган қаршиликлар йиғиндиси:

$$X_{pez_3} = X_{m_1} + X_{a_1} + X_{a_2} + X_{n_3} = 17,14 + 0,08 + 0,28 + 2,44 = 19,94 \text{ мом}$$

$$r_{pez_3} = r_{m_1} + r_{a_1} + r_{K_1} + r_{a_2} + r_{K_2} + r_{n_3} = 5,5 + 0,12 + 0,25 + 0,36 + 0,6 + 24,18 = 31,01 \text{ мом}$$

K_4 нуқтасигача бўлган қаршиликлар йиғиндиси:

$$X_{pez_4} = X_{m_2} + X_{a_1} = 17,14 + 0,084 = 17,22 \text{ мом}$$

$$r_{pez_4} = r_{m_2} + r_{a_1} + r_{k_1} = 5,5 + 0,12 + 0,25 = 5,87 \text{ мом}$$

K_5 нуктасигача бўлган қаршилиқлар йиғиндиси:

$$X_{pez_5} = X_{m_2} + X_{a_1} + X_{a_2} + X_{n_5} = 17,14 + 0,084 + 0,28 + 1,53 = 19,03 \text{ мом}$$

$$r_{pez_5} = r_{m_2} + r_{a_1} + r_{k_1} + r_{a_2} + r_{k_2} + r_{n_5} = 5,5 + 0,12 + 0,25 + 0,36 + 0,6 + 11,07 = 17,09 \text{ мом}$$

Қисқа туташув тоқларини аниқлаймиз.

$$I_{KK_1} = \frac{400}{\sqrt{3}\sqrt{6,83^2 + 17,5^2}} = 12,3 \text{ КА}$$

$$I_{KK_2} = \frac{400}{\sqrt{3}\sqrt{30,17^2 + 21,97^2}} = 5,14 \text{ КА}$$

$$I_{KK_3} = \frac{400}{\sqrt{3}\sqrt{31,01^2 + 19,94^2}} = 6,26 \text{ КА}$$

$$I_{KK_4} = \frac{400}{\sqrt{3}\sqrt{5,87^2 + 17,22^2}} = 12,69 \text{ КА}$$

$$I_{KK_5} = \frac{400}{\sqrt{3}\sqrt{17,9^2 + 19,03^2}} = 8,84 \text{ КА}$$

Қисқа туташувнинг зарба тоқларини аниқлаймиз.

$$T_{a_1} = \frac{X_{pez_1}}{r_{pez_1}} = \frac{17,5}{6,83} = 2,56 \quad K_{y\partial} = f\left(\frac{X_{\Sigma}}{r_{\Sigma}}\right) = 1,3$$

$$i_{y\partial_1} = 1,3\sqrt{2} * 12,3 = 22,6 \text{ КА}$$

$$T_{a_2} = \frac{21,97}{39,17} = 0,56 \quad K_{y\partial} = 1$$

$$i_{y\partial_2} = 1\sqrt{2} * 5,14 = 7,27 \text{ КА}$$

$$T_{a_3} = \frac{19,94}{31,01} = 0,64 \quad K_{y\partial} = 1$$

$$i_{y\partial_3} = 1\sqrt{2} * 6,26 = 8,85 \text{ КА}$$

$$T_{a_4} = \frac{17,22}{5,87} = 2,93 \quad K_{y\partial} = 1,35$$

$$i_{y\partial_4} = 1,35\sqrt{2} * 12,69 = 24,23 \text{ КА}$$

$$T_{a_5} = \frac{19,03}{17,9} = 1,06$$

$$K_{y\partial} = 1,05$$

$$i_{y\partial_5} = 1,05\sqrt{2} * 8,84 = 13,13 \text{ KA}$$

Жойлашиш схемаси элементларини қаршилигини базис бирлигида аниқлаймиз.

Трансформатор Т₁

$$r_1 = \frac{\Delta P_K}{S_{\text{н.м.т}}} * \frac{S_{\bar{\sigma}}}{S_{\text{н.м}}} = \frac{58}{10} * \frac{10}{10} * 10^{-3} = 0,0058$$


$$\Delta P_{\hat{E}} = 58 \hat{e} \hat{a} \hat{\sigma}$$


$$X_1 = \sqrt{\left(\frac{U_K}{100}\right)^2 - r_1^2} \frac{S_{\bar{\sigma}}}{S_{\text{н.м}}} = \sqrt{\left(\frac{10,5}{100}\right)^2 - (0,0058)^2} \frac{10}{10} = 0,1048$$

Кабелли линия

$$X_{2*} = X_{y\partial} l \frac{S_{\bar{\sigma}}}{U_{\bar{\sigma}}^2} = 0,113 * 3,8 * \frac{10}{10^2} = 0,0429$$

Электр таъминоти системасининг параметрлари билан келтирамиз ва унинг жойлашиш схемасини тузамиз.





Схемага асосан ТР-1 энергосистема трансформаторининг номинал қувватини базис бирлик сифатида қабул қиламиз.

$$r_{2*} = r_{y0} l \frac{S_{\sigma}}{U_{\sigma}^2} = 1,94 * 3,8 \frac{10}{10^2} = 0,7372$$

V-БОБ

НИМ СТАНЦИЯГА ВА ТОРМОҚЛАРГА УСКУНАЛАР ТАНЛАШ

1. Мойли узгични танлаш

Мойли узгичлар наминал токига, наминал кучланишига, типига, ток турига кўра танланади. Термик ва электродинамик бардошликка текширилади. Қисқа туташув режимларида узиш қобилияти текширилади.

Формула	Ҳисоблаш натижаси	Узгич параметрлари
$U_{урн} \leq U_{н.ом}$	$U_{урн} = 10$ кВ	$U_{н.ом} = 10$ кВ
$I_{хис} \leq I_{н.ом}$	$I_{хис} = 26,7$ А	$I_{н.ом} = 630$ А
$I_{ро} \leq I_{отк.н.ом}$	$I_{ро} = 5,53$ ка	$I_{отк.н.ом} = 20$ КА
$i_{уд} \leq i_{дин}$	$i_{уд} = 14,23$ ка	$i_{дин} = 52$ КА
$B_k = I_{ро}^2 (t_{отк} + \tau_a)$	$B_k = 5,53^2 (0,25 + 0,01) = 7,95 \text{ KA}^2 * C$	$B_k = I_{тер}^2 * t_{тер} = 20^2 * 4 = 1600 \text{ KA}^2 * C$

ВМПП-10 ком мойли автомат узгич танланди (3)

$I_{ро}$ - қисқа туташув токи

$i_{уд}$ - ҳисобий қисқа туташувнинг зарба токи

B_k - термик бардошлилик

$t_{отн} = t_3 + t_6$ - қисқа туташувни узиш вақти

t_3 - асосий ҳимоянинг ишлаш вақти, 0,05с

t_6 - узгичнинг хусусий ишлаш вақти (3)

Тезкор ҳаракатланувчи узгичлар учун 0,1с секинроқ ҳаракатланувчи узгичлар учун 0,15-0,2с гача қабул қилинади.

T_a – аperiодик ташкил этувчининг сўниш доимийси 7.1 жадвалдан олинади. (2).

$T_a = 0,01$ с

$i_{дин}$ - электродинамик бардошлилик токи

$I_{отк.н.ом}$ - номинал узилиш токи

$I_{тер}$ - термик бардошлилик токи

$t_{тер}$ - термик бардошлилик токининг оқиб ўтиш вақти.

Эрувчан сақлагични танлаш

Эрувчан сақлагичлар асосан учта параметрлар бўйича танланади. Номинал токи, номинал кучланиши, номинал ажратиш токига кўра танланади.

31.14 жадвалдан (3) га асосан ПКТ-103-10-12,543 эрувчан сақлагич танланади.

Формула	Ҳисоблаш натижаси	Узгич параметрлари
$I_{ном} \geq I_p$	$I_p = 13,35 \text{ А}$	$I_{ном} = 16 \text{ А}$
$U_{ном} \geq U_{ном}$	$U_{ном.у} = 10 \text{ кВ}$	$U_{ном} = 10 \text{ кВ}$
$I_{отк.ном} \geq I_{ро}$	$I_{ро} = 0,76 \text{ КА}$	$I_{отк.ном} = 12 \text{ КА}$

3. Юкламалар узгичини танлаш.

Юкламалар узгичи қуйидаги жадвал параметрларига асосан танланади.

Формула	Ҳисоблаш натижаси	Узгич параметрлари
$U_{уст} \leq U_{ном}$	$U_{уст} = 10 \text{ кВ}$	$U_{ном} = 10 \text{ кВ}$
$I_p < I_{ном}$	$I_p = 26,7 \text{ А}$	$I_{ном} = 400 \text{ А}$
$i_{y\delta} \leq i_{дин}$	$i_{y\delta} = 5,53 \text{ А}$	$i_{дин} = 80 \text{ КА}$
$B_k = I_{ро}^2 (t_{отк} + \tau_a)$	$B_k = 5,53^2 (0,25 + 0,01) = 7,95 \text{ КА}^2 * \text{С}$	$B_k = I_{мер}^2 * t_{мер} = 31,5^2 * 1 = 932,25 \text{ КА}^2 * \text{С}$

Электр таъминоти системаси элементларини ўта кучланишдан ҳимоя қилиш мақсадида Рв 0-10 маркали вентилли разрядлардан фойдаланамиз. Номинал кучланиш -10 кв. Рухсат этиладиган юқори кучланиш 12,5 КА.

VI. БОБ.

ИҚТИСОДИЙ ҚИСМ.

МУАССАСАЛАРДА ТАҲЛИЛИЙ ИШЛАРНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА МАЪЛУМОТЛАРНИ КАЙТА ИШЛАШ ТАРТИБИ

Иқтисодий таҳлилнинг ёки хўжалик фаолияти таҳлилининг сама-радорлиги ва таъсирчанлигини таъминлашнинг муҳим шарти—бу таҳлилий ишларнинг режалаштирилиши. Хўжалик фаолияти алоҳида масалаларини таҳлилий ўрганилганда унинг аниқ мақсади ва Муассасани бошқариш тизимида ўз ўрни бўлиши керак, фақат шундагина таҳлил хўжалик юритиш учун маълум бир даражада сезиларли аҳамиятга эга бўлади. Шунинг учун Муассасаларда таҳлил ўтказиш бўйича ишлар режалаштирилиши керак.

Амалиётда таҳлилий ишларни режалаштиришнинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Муассаса таҳлилий ишларнинг яхлит режаси.
2. Мавзулар бўйича режалар.

Яхлит режа одатда ҳисобот йили учун тузилади. Бу режани Муассаса раҳбари топшириғи билан мутахассис ишлаб чиқади. Режада таҳлилнинг мақсади, вазифалари ва йил давомида кўриб чиқилиши керак бўлган масалалар, уларни ўтказиш муддати, таҳлил субъектлари, таҳлилий ҳужжатларнинг айланиш тархи ва уларнинг мазмуни ҳақидаги маълумотлар келтирилади.

Яхлит таҳлилни тузишда ахборот манбалари ҳамда қўлланилиши мумкин бўлган техник воситалар ҳам инобатга олинади.

Алоҳида ва чуқур ўрганишни талаб қилувчи масалалар юзасидан алоҳида мавзулар бўйича режалар тузилади. Бу режаларда таҳлилнинг объекти, субъекти, босқичлари, таҳлилни ўтказиш муддатлари ва бошқалар кўрсатилади.

Иқтисодий таҳлилнинг Муассасаларни бошқаришда таъсирчанлигини таъминлаш кўпроқ иштатилаётган ахборотнинг таркиби, мазмуни ва сифатига боғлиқ бўлади. Иқтисодий таҳлил учун қуйидаги маълумотлар ишлатилади:

- режа маълумотлари;
- ҳисоб маълумотлари;
- ҳисобдан ташқари маълумотлар.

Режа маълумотларига Муассасада ишлаб чиқилган барча режалар, жумладан истиқбол, жорий, тезкор режалар ҳамда технологик карталар киритилади. Бундан ташқари меъёрий ҳужжатлар, сметалар лойиха топшириқлари ва бошқалар ҳам режа маълумотлари сифатида ишлатилиши мумкин.

Ҳисоб характеридаги маълумотлар манбалари - бу барча бухгалтерия, статистика ва тезкор ҳисоб ҳужжатлари ҳамда барча ҳисоботлар ва дастлабки ҳужжатлардир.

Хўжалик фаолияти таҳлили учун етакчи ролни бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ўйнайди, чунки у хўжалик жараёнлари, уларнинг натижаларини энг тўлиқ акс эттирувчи манбадир.

Ҳисобдан ташқари маълумотларга Муассаса фаолиятини бошқарувчи ва тартибга солиб турувчи ҳужжатлар киради. Улар жумласига расмий ҳужжатлар, яъни қонунлар, фармойишлар; хўжалик-ҳуқуқий ҳужжатлари, яъни шартномалар, рекламациялар ва ҳ.к.; техник ва технологик ҳужжатлар ва бошқалар киради.

Хўжалик фаолияти таҳлилининг энг масъул босқичларидан бири ахборотларни таҳлил учун тайёрлашдир. Бунинг учун ана шу маълумотларнинг маълум бир талабларга жавоб беришини таъминлаш лозим:

Маълумотлар сифатли бўлиши керак, яъни улар тўғри ҳисобланган, тўлиқ ва тўғри тузилган бўлиши керак.

Таҳлил маълумотлари уларнинг моҳиятига кўра талабга жавоб бериши керак. Бу эса уларнинг таҳлил мақсадига мос келиши ва реал воқеликка тўғри келишини аниқлатади.

Маълумотларни таққослаш имконияти бўлиши керак.

Юқоридаги талабларни қондириш учун таҳлил қилувчи шахс уларни бир қатор текшириб чиқади. Бу текшириш техник характерда бўлиб, бунда иқтисодий кўрсаткичлар турли хил ҳисобот шакллари бўйича бир-бирига солиштириб кўрилади. Режа маълумотлари эса режа ҳужжатларида келтирилган маълумотларга мослиги жиҳатидан қайта курилади. Кўрсаткичларни бир-бири билан таққослаш имконияти бўлиши учун уларни турли хил ҳисоб-китоблар ва жадваллар ёрдамида бир-бирига мослаштирилади. Таҳлил учун ишлатиладиган маълумотларнинг ўлчов birlikлари таҳлил учун қулай ҳолатга келтирилади, масалан, агар рақамлар катта бўлса, кўрсаткичлар минг рубларда ифода этилиши мумкин.

Маълумотларни таҳлилий қайта ишлаш эса - бу бевосита таҳлилнинг ўзидир. Таҳлилни ўтказиш учун эса, уни ўтказиш режаси, ишончли ва тўлиқ ахборотнинг бўлиши етарли эмас. Маълумотларни қайта ишлашни ташкил қилиш учун ўзига хос бўлган услубиятдан бохабар мутахассис бўлиши талаб қилинади. Бу мутахассис хўжалик фаолияти таҳлили услубиятини доимий равишда такомиллаштириб бориши давр талабидир, айниқса, бугунги кундаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида. Баён қилганларимиздан хулоса:

- ҳар бир бозор иқтисодиёти қатнашчиси иқтисодий таҳлилни муваффақиятли амалга ошириши учун ўз таркибида бозор иқтисодиёти қонунларини мукамал эгаллаган иқтисодчи-менежерлар билимига суянмоғи лозим;

- албатта, ушбу тадбирни амалга оширишда бошқа соҳа мутахассислари ҳам фаол иштирок этишлари лозим.

VII. БОБ

ЭКОЛОГИЯ ВА МЕХНАТ МУҲОФАЗАСИ.

ЁНГИНГА ҚАРШИ КУРАШ ва ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИ

Электр хавфсизлиги

Одам электр қурилмаларининг ток ўтказувчи қисмларига, очилиб қолган симларига, шунингдек электр изоляцияси тешилиши натижасида кучланиш таъсирида қолиши мумкин бўлган ток ўтказмайдиган металл қисмларига тегиб кетганда уни электр токи шикастлаши мумкин. Электр ремонт Муассасаларидаги аксарият хоналар электр токидан шикастланиш хавфи юқори бўлган хоналар категориясига тааллуқлидир.

Электр токидан шикастланиш хавфи шу билан фарқ қиладики, бунда одам кучланиш борлигини махсус асбобларсиз масофадан аниқлай олмайди.

Электр токи жонли тўқималардан ўтар экан уларга термик, электр ва биологик таъсир кўрсатади. Одам танаси орқали анча катта (1 А дан катта) ток ўтганда у куйиши мумкин. Электр аломатлари (ток аломатлари) ток ўтказувчи қисмлар билан контакт яхши бўлганда пайдо бўлади. Бу аломат атрофида оқ ёки қизил ранг ҳошия бўлган, устидаги тери қотиб қолган шишдан иборат.

Одам ток ўтказувчи қисмларга тегиб кетган жойда, ёй ёнганда ёки электролиз бўлганда териси электр металланиб қолади, яъни терининг сирти остига металл зарралари кириб қолади. Электрдан шикастланишларга электр ёйнинг ультра-бинафша ранг нурлари таъсир қилиши натижасида кўзнинг шикастланиши ҳамда-ток таъсир қилганда ихтиёрсиз равишда кескин ҳаракатлар қилиш ёки ҳушни йўқотиш туфайли баланддан йиқилганда механик шикастланиш (латейиш, суяк синиши) ҳам киради.

Электр уриши (токнинг нерв системаси ва мушакларга таъсир қилиши), одатда 1 А гача токда ва 1000 В гача кучланишда содир бўлади. Ток урганда шикастланган органлар фалажланиши мумкин. Нафас олиш мушаклари ва юрак мушаклари фалажланиши оқибатида одам ҳалок бўлиши мумкин. 10 мА гача бўлган ток фақат ноҳуш таъсир кўрсатади; 20—25 мА ли ўзгарувчан ток қўлни фалаж қилади, бунда одам ўзини ўзи ток таъсиридан ҳалос қила олмайди; 50—100 мА ли ўзгарувчан ток нафас олиш ва юрак уришининг тўхташига олиб келади.

Одам танаси орқали ўтувчи ток нафақат кучланишга, балки занжирнинг қаршилигига ҳам боғлиқ. Агар одам кўлининг териси курук, қадоқли, кийими ва пойабзали курук, оёғи резина пояпзалда турган бўлса, қаршилик шунчалик катта (бир неча юз минг омгача) бўладики, ток организмга деярли ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди.

Электр токидан шикастланиш хавфи одамнинг ток ўтказувчи қисмларига тегиб кетиш характериға боғлиқ. Энг хавфлиси икки қутбга (бир йўла икки фазага) тегиб кетишдир, бунда одам тармоқнинг иш кучланиши таъсирида қолади. Одам тармоқ симларидан биттасига тасодифан тегиб кетганда кузатиладиган бир қутбли тегишда одамга иш кучланишидан деярли 2 баравар кичик кучланиш таъсир қилади.

Электр токидан шикастланиш хавфини камайтириш мақсадида электр установкаларда кичик кучланишлар қулланилади. Аммо кичик кучланишли тармоқлар қимматга тушганидан бу усулдан кам фойдаланилади. Шу сабабли 12 ва 36 В ли кучланиш юқори даражада хавфли (поли ток ўтказадиган, зах ва ҳоказо) хоналарда ишлатиладиган электрлаштирилган кўл ас-боблари, кўл ҳамда станок лампаларидагина қулланилади. Изоляцияланган ток ўтказувчи қисмларга хавфли даражада тегиб кетиш эҳ.тимолини йўқотиш учун тўсиқ ва блокировкалардан фойдаланилади. Эшиклари қулфланадиган турли тўсиқлардан кучланиши 1000 В гача бўлган установкаларда фойдаланилади.

Электр ва механик блокировкалар бор. Электр блокировкалар тўсиқларнинг деворларига, кожухларнинг қопқоқлари ва эшикчаларига ўрнатиладиган махсус контактлар ёрдамида электр занжирини узиб қўяди. Улар очилганда электр установка тармоқдан узилади. Эшиклар ёпилгандан

сўнг электр установка ишламайди. Уни ишга тушириш учун юргизиш кноп-касини босиш керак. Бу билан оператор тўсиқ ичига ўтаётганда ва эшик тўсатдан ёпилганда унинг кучланиш таъсирида қолиш хавфи йўқотилади. Механик блокировкалар электр аппаратларда қулланилади.

Ҳимоялаш учун ерга улаш тасодифан кучланиш таъсирида қолган металл қисмларга бир қутбли тегиб кетилганда ҳимоялашнинг асосий чораси ҳисобланади. Бу мақсадда ноллаш ва химояли узиб қўйиш қулланилади.

Ерга уловчи қурилма ерга бевосита тегиб турувчи ерга улагичлар 1 дан (расм) ҳамда электр установкакаларнинг металл қисмлари (корпуслари) 3 ни ерга улагичларга бириктирувчи ерга уловчи ўтказгичлар 2 дан ташкил топган.

Изоляция тешилганда ерга уланган корпусга тегиб кетганида одам кучланиш таъсирида қолади. Бу кучланишни хавфсиз қийматгача камайтириш учун ерга улагич r_3 нинг қаршилигига нисбатан маълум талаблар белгиланади. Кучланиши 1000 В дан ошмайдиган электр установкаларда бу қаршилик 4 Ом дан катта бўл-маслиги керак. Расмдан кўриниб турибдики, корпуснинг изоляцияси тешилганда ток I_3 ерга улагич орқали ўтади ва кейин «соғлом фазалар» изоляцияси орқали ($r_{уз}$ изоляцияларнинг фазаларга нисбатан қаршилиги) таъминлаш манбаига боради. Одамнинг қаршилиги r_4 қанчалик катта ва ерга уловчи қурилманинг қаршилиги қанчалик кичик бўлса, одам орқали ўтувчи ток I_4 шунчалик кичик бўлади.

Электр машина корпусини ерга улаш

Номинал ўзгарувчан кучланиши 42 В дан ва ўзгармас кучланиши 110 В дан катта бўлган электр ускуналар корпуслари ерга уланади.

Ишлаб чиқариладиган ҳамма электр машиналарда ерга уловчи қисқичлар бўлади. 4А сериядаги двигателларда иккита қисқич кўзда тутилади: улардан биттаси корпусга, иккинчиси эса киритиш қурилмасига ўрнатилади. Айланиш ўқининг ба-ландлиги 50—63 мм ли двигателларда ерга уловчи қисқич фа-қат киритиш қурилмасида бўлиши мумкин.

Болт 1 ли ерга уловчи қисқичнинг конструкцияси ШЗ- 1- расм, *a* да келтирилган. Қисқич корпус 4 билан ерга уловчи ўтказгич 3 орасидаги коктактнинг бўшашиб қолишига тўсқинлик қилувчи қурилма билан таъминланган. Бу мақсадда пружиналанувчи шайба 2 ўрнатилади, унинг ўткир учлари винт каллагига ва шайба 5 га ботиб кириб, болтнинг буралиб бўшашишига тўсқинлик қилади. Шайба билан ерга уловчи ўтказгич орасидаги ишқала-ниш моменти пружиналанувчи шайбанинг эластиклик хоссалари эвазига шайба 5 ни қисиб ҳосил қилинади.

Ерга уловчи ўтказгични корпусга улаш учун болт атрофида бўялмаган занглашдан химояланган контакт майдончаси жойлаштирилади. Болт коррозиябардош металлдан тайёрланади ёки уни занглашдан химояловчи металл билан копланади. Қисма ёнига ерга улаш белгиси қўйилади,

Болтнинг диаметри электр машинанинг номинал токига қараб танланади: ток 16 А гача бўлганда болт резьбасининг диаметри камида М4 бўлиши, 16дан 25 А гача — камида М5, 25 дан катта 100 А гача — камида М6, 100 дан катта 250 А гача — камида М8 бўлиши керак ва ҳоказо.

Тропик иклимга мослаб ишланган 4А сериядаги двигателларда ерга улаш учун корпусда иккита, кириш қурилмасида битта қисқич бўлади.

Ноллаш деб, кучланиш таъсирида қолиши мумкин бўлган ток ўтказувчи металл қисмларни уч фазали системадаги ҳимоя-ловчи ноль симга электр жиҳатдан улашга айтилади. Бундай бирикмада фазанинг корпусга туташуви бир фазали қисқа туташувга, яъни фаза ва ноль симлари орасидаги туташувга ай-ланади; бунда симлардан ток ўтиб эрувчан қўймаларнинг куйишига ёки автоматик виключателнинг ишлаб кетишига сабаб бўлади. Установа тармоқдан узилади. Ноль сим ерга туташади, шу сабабли металл корпусда кучланиш пайдо бўлишининг даст-лабки пайтида ҳимоя ишга тушгунига қадар ноллаш ҳимояловчи ерга улагич каби ишлайди.

Ҳимояловчи узгич 1000 В гача кучланишли тармоқларда, айниқса, қўлга кўтариб юриладиган электр асбоб учун кенг қўлланилади. У туташув бошланган вақтдан бошлаб кўпи билан 0,2 с вақт ичида тармоқнинг участкаси автоматик узилишини таъминлайди. Ҳимояловчи-г узувчи қурилма кучланишнинг ўзгаришини сезадиган асбоб, масалан, кучланш релеси *KP* (2-расм) ва автоматик виключатель *B* дан тузилган. Кучланиш релеси электр жиҳоз корпуси *D* билан ёрдамчи ерга улагич r_6 орасига ўрнатилган. Фаза корпусга туташганда ундаги кучланиш қўшимча ерга улагич r_3 даги кучланишдан ошиб кетади. Кучланиш релеси виключателнинг узувчи ғалтаги занжирини туташтиради, натижада шикастланган электр истеъмолчи узилади.

Кнопка *K* схеманинг тузуклигини текшириш учун хизмат қилади. Уни босиб ҳимоянинг ишга тушиши текширилади.

Электр ускуналарини таъмирлаш ишларини бажараётганда риюя қилинадиган хавфсизлик коидалари

Металлар ва бошқа материалларга ҳар хил асбоблар билан ишлов бераётганда хавфсизлик чораларига амал қилмаслик жиддий шикастланишларга олиб келиши мумкин.

Слесарлик участкасида қуйидаги қоидаларни бажариш зарур: тискини дастгоҳга шундай ўрнатиш керакки, иш вақтида қулай вазиятни эгаллаш мумкин бўлсин; асбобни чархлаётганда ҳимоя кўзойнаги ёки шишадан фойдаланиш; кесиш ишларини ўткир асбоблар ёрдамида бажариш, бунда заготовкани тискига пухта маҳкамлаб қўйиш; эговлаётганда эговнинг дастаси чиқиб кетиб қўлни жароҳатламаслиги учун эгов дастасининг ҳалқаси билан деталга урмаслик; кўзга тушмаслиги учун қириндини оғиз билан пуфламаслик; дастасиз ёки дастаси ёрилган эговдан фойдаланмаслик; эговлаётганда деталь сиртини қўл билан уш-ламаслик (акс ҳолда эгов сирпаниб кетиб қўлни жароҳатлаши мумкин); пайвандлаётганда ва кавшарлаётганда кўзни эриган металл зарралари ҳамда ёруғлик нуридан асраш учун ҳимоя кўзойнагини тақиш лозим.

Атрофдагиларни отилаётган металл зарраларидан сақлаш учун слесарлик дастгоҳи ҳимоя тўри билан таъминланиши керак.

Асбоблар бенуқсон бўлиши зарур. Болғалар дастаси фақат, бук, қайин ва бошқа қаттиқ ёғочдан ясалади. Юмшоқ ёки йирик қатламли дарахтлар қарағай, қорақарағай, арғивон ёғочидан бу мақсадда фойдаланишга рухсат этилмайди.

Дастасининг тешикка ўтқазилиши бўшашиб қолган, дастаси синган, ёрилган ва зарб берувчи қисми чақаланган болға ишлатишга яроқсиз ҳисобланади.

Зубилолар, подбойлар ва бошқа асбобларнинг болға билан уриладиган қисми пачоқланган ёки синган бўлмаслиги керак. Фақат ёғоч ёки пластмасса дастали эговлардан фойдаланиш мумкин. Дастанинг асбоб тиқилган тешигига металл ҳалқа кийдирилган бўлиши лозим. Гайка калитлари гайкалар (болтлар каллаги) ўлчамига мослаб танланиши зарур. Калитлардан фойдаланаётганда калит билан гайка орасига кистирма қўйиш тақиқланади. Калитни труба ёки бошқа нарсалар билан узайтиришга рухсат этилмайди.

Слесарга кўпинча пармалар ва чархлаш станоклардан фойдаланишга тўғри келади. Станокларда ишлаётганда ушбу қоидаларга риоя қилиш зарур: махсус ўқимасдан ва инструктаж олмасдан ишга киришиш мумкин эмас; тўсиқларнинг тузуклигини текшириш керак; узун сочи бош кийими остига бостириб қўйиш лозим; узун ва кенг енгларни панжа яқинида боғлаб қўйиш даркор.

Пармалаш станогида ишлаётганда шикастланишга қиринди ёки бўш маҳкамлаб айлантилган деталнинг ўзи сабаб бўлиши мумкин. Детални тискига пухта маҳкамлаш зарур. Майда деталлар қўл тискиси (исканжа) билан ушлаб турилади.

Станок батамом тўхтагандан кейингина пармани патрондан олиш мумкин. Станокни ишга туширишдан олдин столдан ҳамма ортиқча нарсаларни олиб ташлаш ва атрофдагиларга ҳеч қандай хавф йўқлигига ишонч ҳосил қилиш керак. Парма ёки зенкерни деталга ҳаддан ташқари қаттиқ босиш керак эмас, чунки бунда деталь тискидан чиқиб кетиши ёки асбоб синиб, унинг синиқлари кўзни шикастлаши мумкин. Айланаётган пармага қўл теккизиш, қириндини қўл билан олиб ташлаш, айланаётган пармани ҳўл латта билан совитиш, шунингдек қўлқоп кийиб ишлаш ярамайди, чунки қўлқопни асбоб тортиб кетиши мумкин.

Чархлаш станогини ўта эҳтиёткорлик ва диққат билан иш-лашни талаб қилади. Хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик жилвирлаш доирасининг синиб отилиши, отилган майда зарра-ларининг кўзга тушиши, тўсилмаган айланувчи қисмларининг кийимни тортиб кетиши натижасида жиддий шикастланишларга олиб келиши мумкин.

Чархлаш станогида ишлаётганда доиранинг рўпарасида эмас, балки ёнида туриш керак. Детални доирага қаттиқ босмасдан, оҳиста теккизиш лозим.

Электр машиналарни жорий ремонт қилишда ва уларга хизмат кўрсатишда риоя қилинадиган хавфсизлик қоидалари

Электр машиналарга хизмат кўрсатаётганда уларнинг айланувчи қисмларидан механик шикаст олиш ва электр токидан шикастланиш хавфи бўлади. Барча айланувчи ва ток ўтказувчи қисмлари тўсиб кўйилган бўлиши керак. Контакт ҳалкалари ёки коллекторни жилвирлаётганда ҳимоя кўзойнаги тақиб олиш, оёқ тагига изоляцияловчи материалдан ясалган таглик қўйиш, баданга ёпишиб турадиган кийимда ишлаш, енглар панжа яқинида тугмаланган бўлиши лозим. Фақат изоляцияланган дастали асбобдан фойдаланиш даркор.

Айланаётган двигатель реостатининг занжири билан ишлаётганда, 1000 В гача кучланишли установкаларда ишлаётгандагидек, эҳтиёт чораларига амал қилиш керак. Реостат занжири қисқа туташтириб қўйилиши лозим.

Двигатель қисмларга ажратмасдан ремонт қилиш учун тўхтатилганда виключатель юритмасига «Уламанг — одамлар ишляпти» («Не включать — работают люди») ёзувли плакат осиб қўйилади. 1000 В дан катта кучланишли машиналарни қўлда ишга тушириш ва тўхтатишда қўлкоп ва калиш кийиб олиш ёки резина пояндоз устида туриш керак. Плакат осиб қўйилгандан кейин тармоқнинг узилган қисмида кучланиш йўқлиги текширилади.

1000 В гача кучланишли ўзгарувчан ток электр установкаларида бу текширувни бир кутбли кучланиш кўрсаткичи билан бажарган маъқул. У изоляцияловчи корпус 2 ли авторучка кўринишида тайёрланади (3-расм). Металл шчуп 1 ни ўтказгичга теккизиб, қўл бармоғи металл контакт 3 га қўйилади. Электр занжири одам орқали туташади: кучланиш бўлса, корпус ичидаги неонли лампа 4 ёнади. Полнинг ўтказувчанлиги ёмон бўлганда хатога йўл қўймаслик учун иккинчи қўл ерга уланган нарсага теккизилади.

Ўзгармас ток тармоғида кучланиш борлиги иккита шчуп ва неонли лампага эга бўлган икки кутбли кўрсаткич билан аниқланади. Шчуплар иккита симга теккизилади. Бу кўрсаткич ўзгарувчан ток тармоғи учун ҳам ярайди. Кўрсаткич ўрнига текшириш лампасидан фойдаланиш тақиқланади, чунки лампани тасодифан катта кучланишга улаб қўйганда унинг колбаси портлаши мумкин. Оператив журналга машинанинг узиб қўйилганлиги ҳақида ёзиб қўйилади. Ишларнинг тугаганлиги тўғрисида журналга ёзилиб, жавобгар шахс кўрсатилганидан кейингина машина яна ишга туширилади.

Насос ва вентиляторларнинг тўхтатиб қўйилган двигателлари сув ёки ҳаво босими таъсирида тасодифан ишлаб кетиши мумкин. Бундай установкаларда вентиллар ёки бошқа беркитувчи қурилмаларни беркитиш, уларни қулфлаб қўйиш ва «Очманг — одамлар ишляпти» («Не открывать — работают люди») ёзувли плакат осиб қўйиш зарур. Агар уч фазали двигатель тармоқдан узилган бўлса, таъминловчи кабель ҳамма фазаларининг учлари қисқа туташтирилади ва кўчма ерга улагич (4- расм) билан ерга уланади. Кучланиш батамом олингандан кейингина ишга тушириш аппаратида ишлашга рухсат этилади.

Изоляцияни юқори кучланиш билан синаш ва унинг қаршилигини ўлчаш ишлари электротехник ходимлар учун хавф туғдиради; бундай ишлар қўшимча хавфсизлик

чораларига амал килган ҳолда бажарилиши зарур. Бу ишларни махсус тайёргарликдан ўтган камида икки кишилик бригада бажариши керак. Синаш вақтида корпус ва кожухлар ерга улаб

қўйилиши лозим.

Изоляциянинг қаршилиги тахминан 1000 ёки 2500 В кучланишга мўлжалланган мегаомметрлар билан ўлчанади. Мегаомметрнинг қаршилигига тегиб кетиш хавфли эмас, чунки унинг генераторининг қуввати кичик ва ички қаршилиги катта. Аммо текширилаётган электр занжири зарядланиб қолади ва унга тегиб кетиш хавф туғдириши мумкин. Улчаш вақтида чулғам симларига тегиш мумкии эмас, ўлчаб бўлгандан кейин эса чулғамни дарҳол корпусга теккизиб зарядсизлаш зарур.

Ёнғин хавфсизлиги чоралари

ЁНГИН назорат қилиб бўлмайдиган ёниш жараёни бўлиб, ёнувчан моддалар ва иссиқлик энергияси манбалари сақланаётган жойларда юз бериши мумкин.

Қаттиқ моддалар (кўмир, ёғоч, қоғоз), суюқликлар (нефть, керосин, бензин, бензол) ва газлар (водород, метан, пропан ва ҳоказо) ёнувчан бўлиши мумкин. Электр машина ва аппаратларда учқун чиқиши ёки электр ёй пайдо бўлиши, ўта юкланиш тоқлари таъсирида симларнинг изоляцияси алангаланиш температурасигача қизиши, симларнинг уланган жойларининг контактдаги катта ўтиш қаршилиги ҳисобига қизиши, газ алангасида пайвандлаш ва бошқа ишларда ўтдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, баъзи материалларнинг ўз-ўзидан ёнибкетиши ва бошқа сабаблар туфайли ёнғин чиқиши мумкин.

Муассасалардаги хоналар, омборлар ва очиқ установкаларда ёнғинни ўчирадиган воситалар кўзда тутилади. Ёнғинни ўчириш учун сув, сув буғи ва махсус химиявий моддалардан фойдаланилади. Сув — энг арзон ва кенг тарқалган восита, аммо у бензин, бензол, керосин ва бошқа осон алангаланадиган, зичлиги кичик суюқликларни, шунингдек сув билан қўшилганда ўзидан ёнувчан модда ажратадиган кальций карбид ёки селитра каби моддаларни ўчиришга ярамайди. Кучланиш таъсирида бўлган установкаларни ҳам сув билан ўчириб бўлмайди.

Сув буғи ёпиқ хоналарда чиққан ёнғинни ўчиришда ишлатилади. У бўшлиқни тўлдириб бу ердаги кислород миқдорини камайтиради ва ёнаётган модданинг температурасини пасайтиради. Ундан электр машиналарнинг чулғамлари ҳамда ҳар хил қаттиқ ва суёқ моддаларни ўчириш учун фойдаланилади.

Ёнаётган электр установкаларни ўчираётганда уни тармоқдан узиб қўйиш юзасидан шошилиш чоралар кўрилади. Ёнғин ўчирилгач, ишга туширишдан олдин установка тазалаш ва аҳволини текшириш зарур.

Самарали ўчириш воситаларидан фойдаланилганда ҳам ёнғин катта зарар етказди. Ёнғиннинг олдини олиш халқ бойлигини сақлаб қолишга ёрдам беради. Бу иш асосан Муассасада ёнғинга қарши режимга қатъий амал қилинишидан иборат. Муассаса хоналарида тозалик ва тартибга риоя қилиниши, уларда кераксиз нарсалар сақланмаслиги керак. Материаллар чиқиндилари, латта-путталар, кирииди, қипиқ мунтазам равишда махсус ажратилган жойга чиқариб ташланиши лозим. Артиш учун ишлатилган материаллар (латта-путталар) қопқокли металл яшиқларда сақланиши лозим, чунки улар ўз-ўзидан ёниб кетиши мумкин. Уларни ташқарига чиқариб, ёқиб ташлаш ёки тупроқ билан кўмиб юбориш зарур.

ЁНГИН жиҳатидан хавфли осон алангаланушчан ва ёқувчан суёқликларни иш ўрнида бир марта ишлатишга етадиганидан ортиқ миқдорда сақлаш қатъий ман этилади.

Химиявий ўт ўчириш воситаларидан энг кўп қўлланиладигани углерод диоксид (CO_2) дир. Бу модда тез буғланиб, қорсимон модда ҳосил қилади ва ёнаётган моддани совитади ҳамда кислород миқдорини камайтиради. Электр ўтказувчанлиги кичиклиги туфайли CO_2 дан кучланиш таъсирида бўлган, ёнаётган электр установкаларни ўчиришда фойдаланиш мумкин.

1. Бино ва иншоотларнинг ёнғинга мустаҳкамлиги

Ёнғинга мустаҳкамлик деб – биноларнинг конструктив қисмларининг ёниш шароитида ўзининг мустаҳкамлигини сақлаб қолиш хусусиятига айтилади.

Ёнғинга мустаҳкамлик материалларга боғлиқ. Ёниш хавфига қараб материаллар 3 гуруҳга бўлинади:

- 1 - гуруҳ ёнмайдиган
- 2 - гуруҳ қийин ёнадиган

3 - ёнувчи материаллар.

II. Ёнгинага қарши девор ва ораликлар

Электр станцияларнинг бинолари портлаш ёнғин пайтида оловнинг тарқалишини чеклаш ҳамда уларнинг талофатини камайтириш йўлларини ўйлаган ҳолда қурилади.

Шунинг учун ёнмайдиган материаллардан деворлар урнатилади(бранмауэрлар).

Брандмауэрлар ёнувчи том устида 60 см дан кам ёнмайдиган том устида 30 см дан кам бўлмаган баландликда қурилади.

Тўсиклар дераза элементлари ва иссиқ цехдаги бошқа конструкциялар енгил олиб ташланадиган қилиб тайёрланади, мақсад портлашдаги кучли тўлқин ташқарига чиқиб кетиши осон бўлсин. Ойнавандли жойлар бошқа биноларга караганда купрок булади. Иссиқ цехлардаги ер (пол) текис сирпанмайдиган, каттик, мустахкам, ёнмайдиган материалдан қилинади. Улар хамиша курук, тоза булиши керак. Агарда мой томса ёки тукилса, тезда курук ҳолатга келгунга қадар артилади.

Ёнгинага қарши ораликлар - цехлар ораси, цех ва омборхона ораси, ҳар хил омборхона оралиги қанчалик кенг булса шунчалик ёнгиннинг тарқалиши кам булади. Электр станция цехлари билан тақсимлаш қурилмалари оралиги 16 метрдан 30 метргача булади. Трансформаторларни очик урнатиш мумкин эмас. Агарда цехларда ёнгин чиқса, одамларни тезда чиқариш учун эшиклар, деразалар ва йулаклар мулжаллаб қурилади. Цехдан чиқиш жойигача булган масофа 30 метрдан куп булмаслиги керак. Чиқиш жойи эса 2 тадан кам булмаслиги керак. Хона эшиклари ташқарига очиладиган булади.

III. Очик тақсимлаш пунктларида ёнгинага қарши тадбирлар

Мой тўлдирилган электр қурилмаларда (трансформаторлар, включателлар ва реакторларда) кўп миқдорда мой бўлади. Агарда ёнғин бўлса, уни тезда туғридан-туғри тукилади.

Бунинг учун ҳар бир мой тўлдирилган аппарат остида 0,25 м қалинликда шагал билан қумиб қуйилган берк жой булади. Трансформаторлар ва реакторлардаги ёнгинни учуриш учун сув билан учурувчи автоматика қурилмалар жиҳозланган. Улар трансформатор учурилганда ва химояланиш ишлаганда ишга тушадилар.

IV. Ёнгинни тўхтатишнинг асосий принциплари

1. Ёниш зонасини интенсив совутилади. Масалан, сувли компакт орқали.

2. Ёниш зонасига инерт ёнмайдиган газларни (азот, CO₃) сув парлари чанг холатига келтирилган сувни киритиш оркали.
3. Ёниш реакциясини секинлаштирадиган углеводородлар (туртхлорли углерод, бромли метил ва бошқалар) ёрдамида химиявий тозалаш тухтатиш оркали.
4. Ёнувчи моддани кислороддан кигиз, асбест ёрдамида изоляциялаш (ёпиб куйиш) оркали.

Ёнгинни учирининг энг куп таркалган усули – бу сув билан учириндир. Насослар бинонинг энг баланд нуктасидан 10 метрдан кам булмаган баландликкача етадиган кучга эга гидрантлар урнатилади.

Ёнгин пайтида уларга брандспайтли латта материалдан тайёрланган кувурлар урнатилади.

Ички ёнгин сув кувурлари ташки тармоқдан таъминланади. Улар кутича ёки меҳроб куринишда булиб ердан 1,35 метр баландликда зинапоялар, майдончалар ва йулакларга урнатилади. Кутича ичида 10-20 м узунликдаги кувурлар, тез уланиб бирикадиган курилма ва Ёнгинга (оловга) сепувчи конуссимон кувурлар булади.

V. Трансформаторларда ва реакторлардаги ёнгиннинг ўчириш аломатлари

Ёнаётган трансформаторларни хар томондан учурилади. Ёнгинни хаво-механик кўпик чанг куринишдаги сув углекислотали ут учиргичлар билан учурилади. Тезлик билан мойни идишларга ёки махсус тайёрланган чукурга тукилади, мойнинг окиб кетишига йул куйилмайди.

VI. Кабеллардаги ёнгинни учуриш аломатлари

Кабел линияни узиш зарур ва стационар хаво-механик кўпик берувчи курилма уланади. Биринчи навбатдаги кабелдан юкори кучланишни олинади.

Ёнаётган кабел билан тунел ёки кабелли булинмаларга кириш ман килинади. Ёнгиндан кейин то кучланиш олинмагунча кабелга тегиш мумкин эмас.

Электромагнит майдон ва електромагнит нурланишлардан химояланиш

Хозирги кунда материянинг икки тури мавжудлиги қайд этилган. Биринчи хил материяга атомлар, молекулалар ва улардан тузилган барча жисмлар киради. Бу турдаги материаллар жуда яхши ўрганилган. Материянинг иккинчи тури майдон, яъни

электромагнит, гравитацион каби майдонлардан иборат бўлиб, улар хали тўлиқ урганилмаган.

Ҳозирги замон техника тараққиёти даврида юқори частотали магнит майдонлардан турли техника ишларида кенг фойдаланилмоқда. Бундай воситалар билан техник ишларни бажаришининг қулайлиги ортиқча иссиқликнинг ажралмаслиги ва ортиқча ускуналарга бўлган эҳтиёжнинг камлигидадир. Шу билан бирга бу усул иш шароитини яхшилаш ва иш жойларида ҳавонинг тозалигини таъминлаши сабабли санитария-гигиена

томонидан қулайликлар туғдиради. Ҳозирги вақтда радио, телевизор, компьютер техникаси, уяли телефонлар, радионавигация ва бошқа электромагнит тебранишларга асосланган қурилмаларнинг кенг кўламда қўлланилиши кўпчилик аҳоли, ишчи – хизматчиларнинг, электромагнит тўлқинлар таъсири остида бўлишига олиб келди. Шунинг учун ҳам электромагнит тебраниш тўлқинларидан муҳофазаланиш чоратadbирларини амалга ошириш тақозо қилинмоқда. Ҳозирги кунларда электромагнит тўлқинларнинг инсон организмига салбий таъсир кўрсатиши аниқланган. Бунинг хатарли томони шундаки, инсон бу нурлар таъсири остига тушиб қолганини сезмайди. Маълумки, электромагнит тўлқинларнинг узунлиги қанча қисқа бўлса, унинг частотаси ва энергияси шунча катта бўлади. Юқори частотали нурланишлар, ультрабинафша нурланишлардан бошлаб хўжайралардаги атом ва молекулаларни ионлаштирадидлар. Шу орқали хўжайралардаги биокимёвий жараёнларни бузилиши юз беради. Масалан, ультрабинафша нурларни олсак, улар таъсирига кўра уч гуруҳга бўлинади, 1-гуруҳига тўлқин узунлиги 380-315 нм (нанометр, $1\text{нм}=10^{-9}\text{м}$) бўлган нурланишлар киради. Бу нурланиш асосан турли моддаларнинг люминесцент анализи учун қўлланилади. Бу нурланишнинг биологик активлиги унчалик катта эмас. 2-гуруҳига 315-280 нм тўлқин узунликдаги нурланишлар киради. Бу нурланишлар жуда катта биологик эффективликка эга бўлиб, рухсат этилган дозаларда таъсир эттирилганда тирик организмларни соғломлаштириш хусусиятига эгадир. Бу нурланиш асосан организмдаги Д витаминига таъсир этади. Д витаминини ҳосил бўлишини тезлаштиради. 3-гуруҳга 280-10 нм тўлқин узунликдаги ультрабинафша нурлар киради ва бу нурланиш кучли бактериологик таъсир қилади. Тирик организм хўжайраларида

биокимёвий ўзгаришларни юзага келтиради. Уларни ҳалок этиши ҳам мумкин. Хоналардаги хавони, идишларни стерилизация қилишда ишлатилади. Бундай нурланишларни симобли–кварц шишали люминесцент-бактерицид лампалар ҳосил қилади.

Узун тўлқинли электромагнит тебранишлар энергияси атом ва молекулалар орбитасидаги электронларни уриб чиқара олмаса ҳам, молекулаларнинг иссиқлик ҳаракат тезлигини оширади. Натижада тана органларининг қизиши юз беради-ю у ташқаридан сезилмайди. Паст частотали электромагнит нурланишлар организмнинг ҳаёти учун зарур бўлган биотокларга таъсир этиши орқали нормал ҳаёт тарзини издан чиқаради. Масалан, ташқи магнит майдони кучланганлигининг миқдорига қараб чумолиларнинг иштаҳаси ва шу орқали ҳаёт тарзи ўзгаради. Арилар эса 50 гц частотали электромагнит тебранишлар майдони таъсирига тушиб қолсалар, бу майдондан қочиб-учиб кетишга ҳаракат қилиши кузатилган. Компьютер операторларининг кўпчилиги эса бош оғришидан, эшитиш ва кўриш қобилиятининг пасайишидан шикоят қиладилар. Бу ҳам компьютер экранидан 30 см масофада 25 микротесла қийматига эга бўлган паст частотали магнит майдони кучланганлигининг таъсиридир.

ХУЛОСА

Мазкур битирув ишида Сирдарё вилояти “Малик” суг маҳсулотларини қайта ишлаш корхонасининг электр таъминоти кўриб чиқилди.

1. Корхонанинг электр юкламалари корхона учун берилган қувват $P_{ур}$, талаб коэффициентлари $K_{гал}$, $\cos\varphi$, $\tg\varphi$ лар орқали корхонанинг ҳисобий қуввати P_x , реактив қуввати Q_x ва тўла ҳисобий S .т.х қувватлари ҳисобланди.

2. Корхона трансформаторлар сони ва қувватини ҳисобга олган ҳолда нимстансия тури ва ўрнатилиш жойини танлаш учун корхона бош режаси ва юкламалар картограммаси тузилди.

3. Корхонанинг ҳар бир бўлими учун компенсацияловчи қурилма қуввати аниқланди ва натижалар жадвалда берилди.

4. Ҳисоблаш натижаларига кўра корхона ички электр таъминоти учун КТП (400)10/0,4 кв трансформаторини танлаймиз.

5. Ички электр таъминоти учун кабель линиялари ҳисобланди ва танланди.

6. Корхона цехлари учун қисқа туташув токлари ҳисобланди ва электр жиҳозлари танланди.

7. Корхона учун меҳнат муҳофазаси ва экология қисми ёзилди.